# Янги йилингиз муборак, азиз юртдошлар!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 153 (9.803) 2002 йил 30 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда






## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛСИН!

**2002 йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. 29 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида мазкур жамғармани ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уюшма, компания, корпорациялар ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди.**

Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди. Давлатимиз раҳбари болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида шўролар замонида одатий ҳолга айланган экологик зуғум, болаларнинг оммавий тарзда бутифос каби кимёвий оғулардан заҳарланиши, камқонлик ва шунга ўхшаш бошқа хасталикларга чалинишига чек қўйилди. Лекин, деди Президент, аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: соғлом авлод тарбияси кўпроқ бир ёқлама, яъни тиббиёт йўналишида олиб борилмоқда. Ваҳоланки, спорт азал-азалдан ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклик омили бўлиб келган. Халқимиз бекорга, соғлом танда - соғлом ақл, демайди.

Спортнинг миллий генофондни яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг ғурур-ифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа талай соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Бир мисол. Ўзбек курашининг довруғи бугун етти иқлимга таралмоқда. Демак, спортнинг миллий қадриятларимизни тиклашда ҳам беқиёс ўрни бор.

Президент болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Спорт фақат пойтахт ёки вилоят марказларидагина ривожланмай, энг олис қишлоқларга, чекка ҳудудларга ҳам етиб бориши ва у, албатта, оммавий бўлиши керак. Бу ишга болаларни фақат тилда эмас, дилидан яхши кўрадиган, уларга мураббийлик қилишдан толмайдиган, бир сўз билан айтганда, фидойи мутахассисларни жалб этиш ўта муҳимдир.

Жойларда болалар учун спорт иншоотлари қуришда палапартишликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу иш илмий жиҳатдан чуқур асосланган ҳолда замонавий лойиҳалар бўйича режали амалга оширилиши керак. Бу борада бизга кенг кўламда олиб борилаётган лицей ва коллежлар қуриш тажрибаси қўл келиши мумкин.

Болалар спортини ривожлантиришга ҳомийлар иштирокини қўллаб-қувватлаймиз, деди Президент. Бу ёрдам фарзандларимизнинг камоли учун астойдил жон куйдирган чин ватанпарвар инсоннинг беминнат ҳиммати тарзида намоён бўлиши керак.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагановнинг болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларга доир ахбороти тингланди.

Вилоят ҳокимларига жойлардаги вазият билан чуқур танишиш, болалар спортини ривожлантиришнинг имкониятларини обдон ўрганиб, аниқ таклифлар бериш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш фақат дахлдор идоралар, мутахассисларнинггина эмас, барчанинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, деди Президент пировардида. Мен бу тадбирнинг умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилишини истар эдим.

Фарзандларимизда 5-7 ёшдан бошлаб спортга меҳр уйғотсак, спорт бора-бора уларнинг доимий ҳамроҳларига айланади. Спорт билан шуғулланган одам ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида собитқадам бўлади. Эртасига ишонч билан қарайди. Соғлом киши ҳар бир кунидан олам-олам завқ олади, таъбир жоиз бўлса, қанот чиқариб учиб юргандек бўлади.

Фарзандларимизнинг парвозлари ҳамиша баланд бўлсин!

**М.Раҳмонов**
**(ЎзА)**

## МОҲ: КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

**Аввал хабар қилганимиздек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 27 декабрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди.**

Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида тузилган ушбу ташкилотнинг расмий таъсис ҳужжати шу йил 28 февраль куни имзоланган эди. Кейин президентлар 6-7 июль кунлари Оқтов (Қозоғистон), 5-6 октябрь кунлари эса Тожикистон пойтахтида учрашди. Остона саммити тўртинчи олий даражадаги учрашув бўлди.

Ўтган давр янги ташкилот ўз олдига қўйилган мақсадлар сари жадал одимлаётганини кўрсатмоқда. Аъзо мамлакатлар минтақадаги умумий ечим топилиши керак бўлган масалаларни баҳамжиҳат муҳокама қилиб келяпти, халқаро муаммоларга ёндашувлар ҳам бир-бирига мос.

Ташкилотга раислик қилаётган мамлакат - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Душанбе саммитидан кейин ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб қилар экан, Тошкентда МОҲга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари вакилларининг форумлари ташкил этилгани кўп жиҳатдан фойдали бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, дипломатлар, ҳукумат делегацияларининг ўзаро борди-келдилари қаторида, илм-фан, маданият каби ижтимоий соҳалар намояндаларининг ҳамкорлиги яхши ривож топган пайтда, қонун чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти шу вақтгача йўлга қўйилмаган эди.

Президентларнинг саммит якунлари бўйича қабул қилган қўшма коммюникесида ҳам ишбилармонларнинг алоқалари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши, парламентлар вакилларининг мулоқоти эса, қонунчиликни мувофиқлаштириш ва шу орқали муносабатларни янги мазмун билан бойитиши таъкидланади.

Мамлакатимиз раҳбари бундай учрашувларга мунтазамлик тусини бериш таклифини илгари сурди.

Саммитда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов мазкур мамлакатдаги вазият ҳали хотиржамликка бериладиган даражада эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқаро коалициянинг асосий ҳарбий операциялари ниҳоясига етганига қарамай, Афғонистонда ҳали қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди. Токио конференциясида ваъда қилинган ёрдам тўла олинмаётгани ва бошқа сабаблар бу мамлакатда ижтимоий барқарорликни ва марказий ҳукуматга ишончни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилиши табиий.

МОҲнинг Душанбе саммитида Афғонистондаги тикланиш ишларида бамаслаҳат биргаликда иштирок этиш масаласи кўтарилган эди. Бу сафар ҳам Президент Ислом Каримов анжуман иштирокчилари эътиборини шу мавзуга қаратди. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Афғонистон вакилларини МОҲ анжуманларига кузатувчи сифатида қатнашишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Афғонистон вакилларининг бевосита иштирокида тикланиш масалалари муҳокама қилинса, нафақат бу давлатнинг салоҳият ва имконияти тўлароқ ишга солинар, балки мазкур жараёнга четдан қўшилаётган ҳиссанинг самараси ҳам ортар эди.

Ислом Каримов илгари сурган яна бир масала давлат чегараларини аниқ белгилаб олиш ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро расмийлаштириш билан боғлиқ бўлди.

Аҳамияти беқиёс бўлган бу ишни аввало, замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Иккинчидан, минтақа мамлакатларига холис назар билан қарамайдиган айрим доиралар қўшни ўлкалар орасига нифоқ солишга уринади. Бу борада этник омиллар, сув заҳираларининг тақсимоти, коммуникация тармоқларига оид масалалардан «айб-нуқсон» қидириш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари чегарани белгилаш баробарида, унга бевосита ё билвосита алоқадор бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигини таъкидлади. Жумладан, божхона, солиқ, чегара зонасидаги савдо-сотиқ муаммоларини ечиш, хориждан келаётган сифатсиз моллар оқимини тўхтатишда ҳамжиҳатлик билан юритилган ишнинг самараси катта бўлиши аниқ.

Анжуман қатнашчилари Орол инқирози, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси каби муаммолар, минтақамизни ядро қуролидан холи зонага айлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Шундай қилиб, тузилганига ҳали бир йил тўлмаган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг тўртинчи саммитини ўтказди. Аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга иштиёқи ва интилиши кучли эканлигини яна бир бор намойиш этган саммит тарихи янги ютуқлар билан бойиётган ушбу ташкилот доирасида эришилган келишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат беради.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири,**
**Тошкент-Остона-Тошкент**

## ЯНГИ ЖАМҒАРМАНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**Мамлакатимиз ёшларининг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради. Юртимиз фарзандларининг турли даражадаги беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилаётганидан фахрланамиз. Айни пайтда бу муваффақиятлар зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Чунки эришилган натижалар биз учун сўнгги марра эмас.**

Ватанимиз обрўсини янада оширадиган, халқимиз қалбида ифтихор туйғуларини юксалтирадиган, дунёнинг энг машҳур спортчилари билан беллаша оладиган ёшларимиз кам эмас. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак. Бундан ташқари, энг муҳими, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, мард ва жасур йигит-қизлар сифатида тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашда спортнинг ўрни катта.

Спорт, шунингдек, ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. Спорт ёшлар қалбида Ватанга, халққа муҳаббатни янада кучайтиради. Ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатларни юксалтиради.

Ўзбек курашининг жадал ривожланаётгани, жаҳон миқёсида муносиб ўрин топаётгани, ўз сафига кўплаб ишқибозларни жалб этаётгани қувонарли ҳол. Айни пайтда мамлакатимизда спортнинг бошқа турлари ҳам кенг ривожланмоқда. Спорт турлари доирасини янада кенгайтириш, янада оммавийлаштириш учун эса мукаммал дастурлар ишлаб чиқиш, болаларга мўлжалланган спорт мажмуалари барпо этиш ва уларни энг замонавий анжомлар билан жиҳозлаш зарур. Президентимиз Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг олдига ана шундай юксак вазифалар қўйилган.

29 декабрь куни пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган делегатлар орасидан конференция Раёсати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур жамғарма фаолиятини ташкил этишга қаратилган қарорининг ижроси бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов маъруза қилди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Низоми лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Муҳокамада сўзга чиққан шахмат бўйича Осиё чемпиони Ю.Ҳамроқулова, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбари А.Абдуқаҳҳоров, Андижон вилояти спорт қўмитаси раиси М.Муҳиддинов, дзюдо бўйича республика терма жамоаси бош мураббийи А.Багдасаров ва бошқалар тузилаётган жамғарманинг аҳамияти ҳамда Низоми лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жамғарманинг Низоми ва бошқаруви аъзолари тасдиқланди. Васийлик кенгашининг таклифига кўра, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкилий ишлар ва кадрлар бўйича гуруҳ раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Алишер Мирқосимов жамғарма бошқарувининг раиси - ижро этувчи директори этиб сайланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашига раислик қилишни ўз зиммасига олган. Бу эса ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги яна бир намунасидир.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов сўзга чиқди.

Конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Д.Ғуломова, Р.Азимов, Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**







## ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

**Йилларни узатмоқ ҳам**
**кутмоқ одат,**
**Ҳар йилнинг тарихда қадри,**
**ўрни бор,**
**Халқимга келтирган иқболу —**
**омад,**
**Истиқлол эркимиз, қадри**
**барқарор.**

Бугун элим, юртим деб ёнган ҳар бир кишининг тили ва дилида Истиқлол. Уни куйламоқ бахтига эришганимиздан мағрур ва масрурмиз. Истиқлол қуёши толеимизни сарбаланд қилди. Истиқлол туфайли йилларимиз бири-биридан мазмунли ва файзли кечмоқда. Бугун биз дилдаги битмас-туганмас орзуларимизни имкон қадар рўёбга чиқариб, ўзининг сўнгги кунини ўтаб бораётган йилимиз билан хайрлашмоқдамиз.

Узоқ манзилни кўзлаган карвон маълум масофани босиб ўтгач орқага бир назар ташлаб, ўтган йўлини чамалаш одати бор. Шу маънода айтадиган бўлсак, ўтган йилимиз жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик қадриятлар ва кенг кўламли ислоҳотлар, халқаро майдонда қозонган юксак обрў-эътиборимиз, эртанги ҳаётимизни янги босқичга кўтариш ва эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлди деб ҳақли равишда айта оламиз. Шу муддат ичида қанча-қанча кўча ва хиёбонлар, кўприклар, обод турар-жой бинолари, йирик марказлар бунёд этилди. Бугун маданий ва маънавий ҳаётимизда рўй берган барча янгиликлар, ўзгаришларни бирма-бир санаб адоғига ета олмаймиз.

Бўсағада янги 2003 йил турибди. Унинг қутлуғ нафасини йил бошиданоқ сеза бошладик. Янги йилимизнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан «Обод маҳалла йили» деб номланиши қалбларимизни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирди. Маҳалла халқимиз ва миллатимиз фахри. Ҳар қайси инсон ва хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Кўксимизни тоғдек кўтарадиган, эл-юртимизнинг энг катта ишончи ва таянчи бўлган фарзандлар камоли ҳам маҳалладан бошланади. Зеро, Ватан остонаси хонадондан, қолаверса маҳалладан бошланади. Маҳалланинг қутлуғ даргоҳ деб аталишининг боиси ҳам ана шунда.

Байрам тантаналари юртимизнинг барча гўшаларида қизғин давом этмоқда. Жумладан **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида катта тантана — Президент арчаси атрофида болажонларимиз яйраб-кувнашмоқда...

Келинг, бугун ҳаётимизнинг қутлуғ онлари кечаётган ана шу дамларда бир ширин дуо қилайлик. Оллоҳ ҳамиша йўлимизни ёруғ, толеимизни сарбаланд қилсин. Янги йилда ушалмаган орзуларимиз рўёбга чиқсин. У сардафтаримизга тинчлик, барқарорлик, дўстлик йили бўлиб ёзилиб қолсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Истиқлол қуёши бошимизга абадул-абад нур сочиб турсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## ОБОД МАҲАЛЛА – ОБОД ЮРТ, ДЕМАК

**Халқимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни катта. Инсон туғилганидан то умри охирига қадар шу муҳитда шаклланади, вояга етади, тарбияланади. Инсоннинг қувончу ташвишлари, ҳаётида учрайдиган яхши-ёмон кунларида маҳалла аҳли доимо ҳамнафас бўлади. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ тарихан таркиб топган маҳалла ижтимоий институтини янги босқичга кўтариш, уни демократик жамият қуришнинг асосий негизларидан бири сифатида ривожлантириш ташаббусини илгари суриб келади.**

Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши мана шу хайрли ишнинг мантиқий давоми бўлди.

Тошкент ислом университетида «Обод маҳалла йили» дастурини шакллантириш ва амалга оширишда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу ҳақда гап борди. Унда Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий ҳамда Оила, оналик ва боликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари ҳамда уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманларидаги вакиллари иштирок этди.

Мулоқотни Бош вазир ўринбосари, мазкур институт ректори Ҳ. Кароматов бошқарди.

Тадбирда «Обод маҳалла» дастурини шакллантириш ва амалга оширишга оид долзарб вазифалар, миллий анъаналар, урф-одатлар ва диний маросимларга ёт бўлган бидъат ва хурофотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, обод маҳаллани шакллантиришда давлат, жамоат ва диний ташкилотларнинг ўрни, бу борада аёлларнинг роли мавзуларида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, маҳалла нуфузини янада кўтариш учун, аввало, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари жойларда муттасил иш олиб бориши, муаммолар кўламини чуқур ўрганиб чиқиб, уларни очиш борасида ўз таклиф ва тавсияларини бериши лозим.

Мулоқот давомида айрим миллий қадриятларимизнинг сохталаштирилаётгани, урф-одатлар ниқоби остида тўй-ҳашам ва маърака-маросимларимизда катта дабдабаларга, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани тўғрисида очиқ ва ошкора фикрлар айтилди.

Давра суҳбатида «Обод маҳалла йили» сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларининг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди, муайян таклифлар ва амалий тавсиялар ҳамда тадбирлар белгиланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов, Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

**(ЎзА)**







## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- Олий Мажлиснинг бюджет, банк ва молиявий масалалар бўйича қўмитаси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари бўйича қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлди. Унда «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Марказий матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни эълон қилинди.
- Беш нафар ўзбекистонлик ёшлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиатлари бўлдилар. **Кеча** Фан ва технологиялар марказида танлов ғолибларига ана шу юксак мукофотлар топширилди.
- **Кеча** пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги Назарбек қўрғонида янги тиббиёт коллежи очилди. Бу ерда 450 нафар қиз тиббиёт ҳамширалиги касбини эгаллайди. Ўқув муассасаси энг янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида машҳур шарқшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Асомиддин Ўринбоевнинг АҚШ олимлари билан ҳамкорликда чоп этилган «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари томонидан ёзилган мактублар» номли китобининг тақдимоти ўтказилди.

### Жаҳонда

- Ҳиндистон пойтахти Деҳли аҳолиси Янги йилга ажойиб совға олди. Шаҳар метрополитенининг илк йўналиши ишга туширилди. Мамлакат Бош вазири Атал Бихари Важпаи «Кашмир дарвозаси» бекатини тантанали равишда очди.
- Бонн университетида ўзбек фольклори тадқиқотчиси, тилшунос олим Карл Райхел томонидан немис тилига таржима қилинган «Алпомиш» достонининг тақдимоти бўлиб ўтди.
- Чеченистон маъмурияти биносида рўй берган иккита кучли портлаш оқибатида 52 киши ҳалок бўлди, 137 киши жароҳатланди. **Бугун** Чеченистонда ҳалок бўлганларнинг хотирасига мотам куни деб эълон қилинди.
- Ереванда Арманистон жамоат телерадиокомпаниясининг раиси Тигран Магдалян ўлдирилди. У 36 ёшда эди. Ушбу қотилликни мамлакатда президентлик сайловлари арафасида вазиятни беқарорлаштиришга уриниш деб баҳолашмоқда.

**Илгари хабар берганимиздек, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда пойтахтнинг 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кутилаётган якунлари ҳамда Тошкент шаҳрининг 2003 йилги бюджети лойиҳаси кўриб чиқилди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.**

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Сессиянинг кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Нодир Ханов ҳисобот берди.

Маърузачи асосий эътиборни ҳисобот даврида эришилган натижаларга қаратиб, шунингдек шаҳар хўжалигининг етакчи тармоқларидаги ижобий ўзгаришлар устида тўхталиб ўтди ва ўз навбатида, иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги ҳолатга танқидий баҳо берди.

Жумладан, йил якунига ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоизга ўсиши, яъни 851,3 миллиард сўмга тенг бўлиши кутилмоқда. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 625,2 миллиард сўмга тенг бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга қараганда 17,3 фоизга юқорилади. 33,5 фоизга ошиғи билан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Бироқ экспорт бўйича белгиланган режага эришилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Пойтахт корхона ва ташкилотларининг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш ҳажми ўтган йил билан солиштирганда 12 фоизга пасайган.

Сессияда амалдаги кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда келгусида иқтисодий ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш борасида асосий эътиборни саноат соҳасида тармоқни таркибий ўзгартиришга, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, ички бозорни маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш масалаларига қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — Тошкент шаҳри бюджетининг 2002 йил учун кутилаётган натижалари ва 2003 йилги лойиҳаси юзасидан Молия бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тоҳиров маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаб ўтганидек, жорий йил бюджетининг кирим қисми барча манбалар ва кўрсаткичлар бўйича 106,8 фоизга бажарилиши кутилмоқда. Бюджет маблағлари тақсимланишида, ҳар йилгидек, 2002 йилда ҳам ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимоя харажатлари етакчи ўрин тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан жорий ўқув йилида 1-синф ўқувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш учун бюджетдан 505,5 миллион сўм, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ ўқув-қуроллари учун 33,8 миллион сўм сарфланди. «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳам тўлиқ молиялаштирилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетдан аҳолига етказиб бериладиган иссиқлик қуввати тарифлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун 18,5 миллиард сўм, уй-жой фондидан фойдаланишга имтиёзи бўлганлар харажатларини қоплаш учун 797,9 миллион сўм ажратилди.

Шу каби харажатлар 2003 йил бюджетида ҳам кўзда тутилган. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва фан соҳаларига ажратиладиган маблағлар ҳажми 14,7 фоизга ошади. Фақат таълим йўналишига ажратиладиган маблағ бюджет харажатларининг 33,5 фоизини ташкил қилади. 22 миллиард сўмга яқин маблағ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилищ дастурининг амалга оширилишига йўналтирилади. Кам таъминланган болалар ва муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ижтимоий ажратмалар 14,5 фоизга кўпаяди.

Шунингдек, бюджет харажатларида иқтисодиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга ҳам маблағлар кўзда тутилган.

Тошкент шаҳрининг асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида депутатлар Б. Ҳошимов, А. Мажидов, Р. Аминов ва бошқалар иштирок этди. Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан пойтахтнинг келгуси йилги бюджети маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Соғлом авлод» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида қилинган ишлар муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи М. Исломов, «Соғлом авлод» жамғармаси шаҳар бўлими бошлиғи Д. Олимжонова, депутатлар И. Зурин, А. Акромовлар ўз фикрларини билдирди. Киритилган қўшимча ва таклифларни инобатга олган ҳолда ушбу масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида пойтахтнинг 2003 йилда ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Асосий эътибор келгуси йилнинг бош йўналиши — Обод маҳалла йилидаги вазифаларга қаратилди. Бу борада сессияда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов тайёрланаётган «Обод маҳалла йили» Давлат дастурида ўз аксини топиши лозим бўлган масалалар хусусида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, 2003 йилда ўзини ўзи бошқаришнинг бу ноёб тизими жамиятнинг нафақат маънавий, балки сиёсий-иқтисодий ҳаётининг том маънодаги ажралмас қисми сифатида тобора ривожланади ва бунинг учун барча моддий-молиявий шароитлар яратилади. Шу боисдан ҳам биринчи навбатда бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва ҳокимият тизими билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳам маҳалланинг турли соҳаларда ҳуқуқий ва амалий ролини ошириш керак бўлади.

«Обод маҳалла йили» Давлат дастурида яна бир муҳим масала — муҳтожларга, ногиронларга, ёлғизларга меҳр-мурувватли бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор қаратилади.

Шунингдек, келгуси йилда маҳаллаларимиз том маънода обод бўлишини таъминлаш борасида ободонлаштириш ишлари ҳам кучайтирилади, жойларда гул ва дарахтлар экилиши, ариқлар, анҳорлар тозаланиши билан бир қаторда, йўллар таъмирланиши, гузарлар, маиший объектлар қурилиши, спорт майдончалари барпо қилинишига муҳим аҳамият қаратилади.

Шубҳасиз, бу ишларни амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари ва фаолларидан катта масъулият талаб этилади. Ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида маҳаллалардан кўпроқ ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишларини вақтнинг ўзи — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даври тақозо қилмоқда. Бу дегани маҳалла боши — оқсоқоллар нафақат тегишли билимларга, балки халқ манфаати йўлида фаол ва ташаббускор бўлишлари керак.

Тошкент шаҳар ҳокими «Обод маҳалла йили» дастурига киритилиши режалаштирилаётган вазифалар билан бир қаторда келгуси йилдаги бошқа айрим долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр билдирди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида коммунал хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг ҳисоботи тингланди, Тошкент шаҳар ҳокимининг айрим қарорлари тасдиқланди ҳамда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН»**

# «Камола» ва «Ором» — хонадонингиз файзи

**Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат рақобатга чидаган, балки ўз сифатли маҳсулотлари билан харидорларни жалб этган корхонанинг, албатта келажаги порлоқ бўлади. Бунинг учун эса бугуннинг талабини тўғри англаш, бозорни ўрганиш, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғали маҳсулотларни хорижий давлатларга ҳам экспорт қилаётган, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган «Файз» холдинг-компанияси ривож топмоқда, дунёга танилишга интилмоқда.**

Ўтаётган йилнинг 11 ойи давомида корхонада 5 миллиард 923 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 1 миллион 85 минг долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 165 фоизни ташкил этади. Бугунга келиб корхонада 300 хилдаги маҳсулот чиқарилмоқда. Булар орасида ошхона мебеллари алоҳида ўрин эгалласа, ётоқхона, мактаб, коллеж, офис, идора, тиббиёт, савдо мебеллари тайёрлаш ҳам яхши ўзлаштирилган. Ҳозир компанияга қарашли 30 та корхона ва 16 та савдо шохобчаси фаолият кўрсатаётган бўлса, ана шулардан 9 таси қўшма корхоналардир. Қирғизистондаги «Файзли чинор», Қозоғистондаги «Файз-жиҳоз» қўшма корхоналарида холдинг-компанияда тайёрланган ламинатлар ҳисобига мебеллар ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотилмоқда.



Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, корхона Германияда икки йилда бир бор ўтказиладиган халқаро мебель кўргазмасида муваффақият билан иштирок этиб, у ердан олган сабоқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга интилмоқда. Шунингдек, ушбу давлатдаги «Homag» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ўн йил давомида корхонага 15 миллион долларга яқин хорижий инвестиция киритилди. Корхонани замонавий хорижий линиялар билан жиҳозлаш эса 1996-1997 йиллардан бошланди. Ҳозирда Словакия, Германия, Англия дастгоҳлари ўрнатилган цехларда жаҳон андозалари даражасидаги сифатли мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан биргаликда холдинг компания тасарруфидаги корхоналарни юксак унумли хорижий линиялар билан жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Марказий Осиёда ўз технологиялари билан ягона бўлган холдинг-компания маҳсулотларининг рақобатбардошлиги кейинги йилларда 50 фоизга ортди. Бунинг асосий сабаби бозорни ўрганиш, сифатга алоҳида эътибор билан ёндошишдир. Корхона мебеллари Германия ва Польша давлати мебеллари билан бемалол рақобатлаша олади, лекин нархи уларга нисбатан бирмунча арзондир. Бу йил корхонада «Камола», «Зуҳра» деб номланган ошхона, «Ором», «Ромитон» деб номланган ётоқхона мебелларининг янги турлари ишлаб чиқарилди.

— Жорий йилда Қозоғистонда ўтказилган кўргазмада муваффақият билан иштирок этиб, 800 минг долларлик шартнома тузишга муваффақ бўлдик, — дейди компаниянинг экспорт бўйича менежери Хурсанд Зиёев. — Шунингдек, яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган республикамизда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари ярмаркасида ҳам 1 миллион 200 минг долларлик шартнома туздик. 2000 йилда 300,3 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлсак, бугунга келиб экспорт ҳажми 3 баробардан зиёдга ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳсулотларининг хорижда ҳам ўз харидорига эга бўлишига эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тинмай изланиш, ўрганиш, сифатга эътиборни ниҳоятда кучайтириш лозимлигини компания тадбиркорлари жуда яхши англашади. Янги — 2003 йилни ўз олдиларидаги мақсад ва вазифаларни уддалаган ҳолда кутиб олаётган холдинг-компания мебелсозлари келгуси йилда маҳсулот турларини кўпайтиришга аҳамият қаратиб, хорижлик ҳамкорлар билан шерикчиликни янада мустаҳкамлаб, 1 миллион 150 минг сўмлик мебель маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирмоқда. Харидорлар орасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Бирлашган Араб Амирликлади давлатлари бор. «Файз» нафақат юртимиз аҳолиси хонадонига файз бағишлашни, балки иқтисодиётимиз равнақига, мамлакатимиз экспорт салоҳиятига ҳиссасини қўшишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Буни корхонада амалга оширилаётган ишлар яққол исботлаб турибди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Файз»да маҳсулотлар мана шундай юксак унумли дастгоҳлар, малакали мебелсозлар томонидан тайёрланади.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**



**2003 ЙИЛ ОРЗУЛАРИ**

◆ **Собир ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент шаҳар академик лицейлар қуриш дирекцияси директори:**

— Орзу-ҳавас инсонни юксакликка, эзгулик ва янада баракали меҳнатга ундайди. Не бахтки, тобора гўзаллашиб ва ёшариб бораётган Тошкентимиз барчамизнинг дилимизда фахр туйғуларини жўш урдирмоқда. Истиқлол йилларида пойтахтимизда қад ростлаётган ўнлаб замонавий, кўркам ва маҳобатли иншоотлар унинг довруғини бутун оламга ёймоқда. Истардимки, Янги йилимизнинг излари қутлуғ ҳамда муаззам келсин ва биз бунёдкорлар асрлар оша яшайдиган иншоотларимизни келгуси авлодга мерос қолдирайлик. Янги 2003 йил оиламизга, жамоамизга, ҳаётимизга янгича мазмун, соғлиқ ҳамда қувонч олиб келсин!

◆ **Дилбар ТОҲИРОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими, «Юлдуз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчиси:**

— Қутлуғ кунларга, улуғ шодиёналарга яхши ниятлар, эзгуликлар ярашади. Янги йилимиз ҳар бир оилага омад ва бахт келтирсин. Менинг энг катта орзуим: юртимиз янада обод, халқимиз тинч, бизнинг келажагимиз бўлган ёшлар янада чуқуррок билим эгаллаб мамлакатимизнинг довруғини дунёга ёйишга интилаверсинлар. Соҳа ходимларига давлатимиз, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларга жавобан халқимизга манзур бўлувчи, сифатли, рақобатбардош ҳамда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бор имкониятлардан фойдаланишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

◆ **Зуҳра САЙДАМИНОВА, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси, «Зуҳра» фирмасининг бош директори:**

— Орзуим Янги йилда фикрлари теран, мушоҳадалари бой тадбиркор, ишбилармон аёлларимизнинг сафи тобора кенгаяверсин. Улар ички имкониятларини, куч-иқтидорларини ҳар томонлама намоён этиб, чин маънода ўзларини кашф этиб яшайверсинлар. Мустақиллик шарофати билан жаннатмакон юртимизда тадбиркор аёлларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Аёллари тадбиркор юрт бадавлат бўла боради.



**Кумуш қиш гашти.**
**Сергей Любчич олган сурат.**




**БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ**

**Муҳташам иншоотларимиз қатори равон йўлларимиз ва замонавий ҳамда мустаҳкам кўприкларимиз пойтахтимиз кўркини очишда бунёдкорларимизнинг беқиёс меҳнатлари самараси бўлмоқда. Якунланаётган йилда ҳам шаҳримизда бунёд этилаётган кичик Халқа йўлининг иккинчи қисми қурилиб фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда ўзининг барча қулайликлари билан транспорт ҳайдовчиларини мамнун этмоқда.**

# Шаҳримизнинг равон йўллари

Бунёд этилаётган кичик Халқа йўли шуниси билан эътиборлики, у транспорт воситалари ҳаракати учун катта қулайлик яратиб, ҳайдовчилар вақтини 2 баробарга тежайди, унда халқасимон тўхтовсиз ҳаракат давом этиб транспорт тиғизлиги ва авария ҳолатларининг ҳам олди олинади.

Бугунги кунга келиб шаҳримизнинг 9 туманини қамраб оладиган 32 километрлик ушбу йўлнинг 13 километрга яқини ва ундан ўрин оладиган 6 та кўприклар фойдаланишга топширилди. Ўтган йилда йўлнинг Амир Темур кўчасидан Фарғона йўли кўчасигача бўлган қисми қурилган бўлса, жорий йилда Авлиё ота кўчасидан Усмон Носир кўчасигача бўлган иккинчи қисми фойдаланишга топширилди. Бу, албатта, йўлсоз ва бунёдкорларнинг катта туҳфалари бўлди. Уни бунёд этишда «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» ва «7-кўприкқурилиш» тресни йўлсоз ва кўприксозлари, «Элеком» фирмаси, «Тошшаҳарнур», «Тошмуҳандисқурилиш», «Тошиссиқ-энергия» ва бошқа жамоаларнинг ишчи-хизматчилари фаол иштирок этишди.

Янги йилни зиммаларидаги вазифани ўз вақтида адо этиб кутиб олаётган йўл бунёдкорларининг ушбу йилдаги режалари ҳам бисёр. Лойиҳа асосида 2005 йилда тўла қуриб битказиладиган кичик Халқа йўли қурилишини давом эттириш кўзда тутилмоқда.

— Кириб келаётган 2003 йилда асосан кичик Халқа йўли мажмуига кирадиган Уйғун ва Улуғбек кўчалари кесишган жойда транспорт воситалари учун ер ости йўли (тоннель) қурилиши ишларини амалга ошириш мўлжалланган, — дейди шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли ободонлаштириш иншоотларини қуриш бўйича дирекция раҳбарининг ўринбосари Собиржон Шермуҳамедов. — Бу билан ушбу кўчалардаги тирбандликка барҳам бериш кўзланган. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» ва «Тошметроқурилиш» трестлари қурувчилари амалга оширишади. Ушбу қурилишдан кўзланган асосий мақсад кўчаларимиз кўркини очиш, уни жаҳон андозалари даражасига етказиш, транспортчиларга қулайликлар яратишдир. Янги йилда режадаги ишлар, албатта, амалга ошади.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**ТАБРИКЛАР**

# Бахт ва

**Жон ХЁРБСТ, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Америка Қўшма Штатлари халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги 2003 йил билан муборакбод этаман. Ўзбекистон халқига тинчлик ва барқарорлик тилайман. Ўйлайманки, сизларнинг барча хайрли тилакларингиз 2003 йилда амалга ошади.

Янги йилингиз муборак бўлсин!

**Акио КАВАТО, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Ўз номимдан ҳамда Япония ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон Республикаси халқини янги — 2003 йил билан табриклаб, ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Йилдан-йилга ҳар томонлама ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ўзининг буюк тараққиёти ва муваффақиятларига яқин йилларда эришишига тилакдошман. Давлатларимиз ўртасидаги халқларимиз манфаати йўлида олиб борилаётган ҳамкорлигимиз бундан ҳам ривожланиб бораверсин.

Сизларга ҳамиша бахт ва омад, тинчлик ва фаровонлик ёр бўлсин.

**ЯНГИ ЙИЛНИ — ИШ ЖОЙИДА**

**Одатда кўпчилигимиз Янги йил кириб келишини хонадонларимизда, оиламиз даврасида, файзли дастурхон атрофида кутиб оламиз. Лекин шундай соҳа ходимлари ҳам борки, улар ана шундай қутлуғ айёмни одамларга хизмат кўрсатиб — меҳнат жойларида қарши олишади. Уларнинг дил сўзларини тинглаш эса мароқли.**

# Завқи бошқача

● **Қўчқор БОЗОРОВ, 37-йўналиш ҳайдовчиси:**

— Янги йилнинг кириб келиши барчамизнинг дилимиздаги эзгу ниятларимизни янада ошириши табиий. Мен ушбу йилнинг кириб келишини меҳнат жабҳасида, одамларни манзилларига ўз вақтида, бехатар элтиб кутиб олаётганимдан бениҳоя мамнунман. Янги йил кириб келиши олдидан жуда кўплаб йўловчиларни яқинлари ҳузурига элтаман, уларнинг юзларидаги байрам шодиёнаси мени ҳам қувонтириб, ўз касбимдан фахрланиш туйғусини уйғотади. 25 йилдан буён йўловчиларга намунали хизмат кўрсатаётганимдан беҳад мамнун бўламан.

● **Акмал РАУПХЎЖАЕВ, 64-, 161-АТСнинг алоқа йўл муҳандиси:**

— Байрамда одамларнинг бир-бирларини табриклаши, яхши ниятлар тилаши одатий ҳолга айланган. Айниқса, Янги йил кириб келиши билан кўпчилик ота-онаси, қариндош-уруғлари, дўсту ёрларини қўнғироқлар орқали қутлайди. Ана шундай дамда узоқда бўлса-да, бир-бирини дилдан табриклаётган, кўнглидаги тилакларини изҳор этаётганлар кайфияти мени ҳам руҳлантиради. Уларга ушбу хизматни кўрсатишда ҳиссам борлигидан шодланаман. Барчанинг дил истаклари менга ҳам тегишлидай, байрам кайфиятим янада кўтарилади. Шу боисдан ҳам Янги йилда навбатчи эканлигимдан асло нолимайман.

● **Раҳматилла ЖЎРАЕВ, Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» йўналиши машинистлар йўриқчиси:**

— Байрам шодиёнасини меҳнат жабҳасида кутиб олишнинг завқи бошқачада. 20 йилдан буён «ер ости қасри» саналмиш — Тошкент метрополитенида ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларига хизмат кўрсатаман. 2003 йилни кутиб олиш эса иш вақтимга тўғри келмоқда. Бундан сираям афсусланмайман. Чунки мана шундай қутлуғ кунда йўловчиларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг миннатдор чеҳраларини кўриш, яхши истакларини эшитиш кишига ажойиб кайфият бағишлайди. Шу ўринда ҳамиша ўзимиз хизмат кўрсатаётган йўловчиларга Янги йилда яхши ниятларимни, ҳамкасбларимга эса ойдин йўл тилайман.

**ДИЛ ИЗҲОРИ**

# 2002 йил — тақдиримда

## Бениҳоя мамнунман

◆ **Шорасул ШОАҲМЕДОВ, «Ташаббус -2002» республика кўрик-танлови ғолиби, «Энг яхши ҳунарманд»:**

— Халқимизда «Яхши ният — ярим давлат» деган ажойиб нақл бор. Бу менинг ҳаётимда ҳам 2002 йилда ўз аксини топди. Эзгу ният билан «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, шаҳар ва ниҳоят республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб ғолибликни қўлга киритдим. Президент совринига сазовор бўлганим бу йилги ҳаётим ва ижодимдаги энг унутилмас лаҳзалар бўлди. Мен шунга амин бўлдимки, астойдил ҳаракат, ўз ишингга меҳр-муҳаббат ҳамиша ўз самарасини беради. Бахтли лаҳзаларни ҳаётимга муҳрлаган 2002 йилдан бениҳоя мамнунман.

## Ойдин йўллар тилайман

◆ **Мунира МИРЗАЕВА, «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» трести ишчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**

— «Меҳнат қилган элда азиз», дейишади. Бу ҳақ гапга жорий йилда яна бир бор амин бўлдим. Пойтахтимиз чиройини очишда, равон йўллар қурилишида фаол иштирок этиб, эл-юртга танилдим. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида меҳнатим ўз қадрини топиб, қалбим ғурурга тўлди. Шодиёна арафасида Президентимизнинг Фармонига кўра юксак мукофот — «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлдим. Бахтли онларимга гувоҳ бўлган 2002 йилдан фахрланган ҳолда, касбим тақозоси билан барчага ойдин йўллар, оппоқ орзулар тилайман.

## Имкониятларимиз етарли

◆ **Саидвали ҒОЗИЕВ, тадбиркор, «ПРЕСС-С-Я» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

— 2002 йил мулкдорлар синфининг шаклланишида, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ўзига хос йил бўлди, десам асло муболаға бўлмайди. Тадбиркорларимиз ўзларига яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, мамлакатимиз ички бозорини импорт ўрнини босувчи рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ўз корхонамизда ҳам ўтаётган йилда бир нечта янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Энг қувонарлиси, Бектемир туманида «Энг яхши тадбиркор» номини олдик. Ҳукуматимиз томонидан меҳнатимнинг муносиб тақдирланиб, кўксимда «Шуҳрат» медалининг порлаши эса қалбимни шодликка тўлдирди. Шу боис ҳам 2002 йилнинг мен учун қадри баланд бўлди.

## Чиройига шайдомиз

◆ **Лазокат ИСЛОМОВА, Тошкент шаҳар бош агрономи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**

— Мустақил диёримиз, она Ватанимиз пойтахти — гўзал Тошкентимиз чиройига нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки шаҳримизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ҳам маҳлиё десам асло муболаға бўлмайди. Пойтахтимизни ободонлаштиришда, кўкаламзорлаштириш, гуллар билан безашда бошқармамиз ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланаман. Айниқса, жорий йилда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Тошкентни гуллар шаҳрига айлантирамиз» деган дастурлар режаси ишлаб чиқилиб, барча маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасалар, билим ва тарбия масканларида у муваффақият билан амалга оширилди. 2002 йилда чиндан ҳам шаҳримиз гулу гулзорга айланди. Бу борада менинг ҳам камтарона меҳнатим ўз баҳосини олиб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Истардимки, ўтаётган йилнинг қувончлари кириб келаётган Янги йил шодиёналарига уланиб кетсин. Унинг ҳам ҳаётимизга муҳрланадиган унутилмас излари ҳамшаҳарларимизга бахт ва қувонч бағишласин.

## МУСОҲАБА

# ҚУТЛУҒ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

**Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод ШАРАФИДДИНОВ билан суҳбат**



**— Озод ака, кириб келаётган Янги йил остонасида поёнига етиб бораётган 2002 йилга назар ташлагудек бўлсак, мамлакатимизда юз берган буюк ўзгаришлар, янгиланишлар бир-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Шунингдек, бу йил шахсан сизнинг ҳаётингизда ҳам ўчмас из қолдирди, шундай эмасми?..**

— Дарҳақиқат, якунланаётган йил ҳаётимдаги энг ажойиб, унутилмас йил бўлди. Бу биринчи навбатда камтарин меҳнатларим инобатга олингани ҳолда «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони ҳамда «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланганимдир. Лекин бундан ҳам қувончлиси ушбу мукофотни топшираётганда, Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимизнинг мен тўғримда айтган илиқ гаплари бўлди. Бу самимий истаклар киши кўнглини кўтаради, илҳомга тўлдиради, одамга қанот бағишлайди. Агар «Олтин Юлдуз» битта қанот бўлган бўлса, бу дил сўзлари менга иккинчи қанот бўлди.

Энди бевосита мамлакатимиз ҳақида гап кетадиган бўлса, республикамизда Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқлар, муваффақиятлар, марралар тўғрисида матбуотда, йиғинларда жуда кўп гапириляпти, ёзиляпти. Уларни яна такрорлаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Ўтган йилнинг энг бизга хосиятли томони шундаки, мамлакатимиз тинч бўлди. Ватанимиз сарҳадларида осойишталик ҳукм сурди. Аввалги йилларда эсингизда бўлса ёвуз ниятли кимсалар фалон жойга келиб қолибди, энди нима бўларкин, деган хавотирлар билан яшардик. Бу йил одилона сиёсатимиз, сарҳадларимизнинг мустаҳкамлиги туфайли мана шундай нохуш ҳолатларнинг олди олинди, осмонимиз мусаффо бўлди, хотиржам ишлаб кунларимизни бамайлихотир ўтказдик. Бу нарса жуда ҳам муҳим албатта. Олдингда овқат бўлсаю хотиржам бўлмасанг еганинг татимайди. Бир ишни қилмоқчи бўлсангу хотиржам бўлмасанг, ўша ишни бемалол қила олмайсан. Шунинг учун ўтиб бораётган йилдаги хотиржамлик бизнинг энг катта ютуғимиз, Оллоҳнинг бизга қилган инояти деб биламан. Яна бир нарсани эслаб ўтиш мумкин, албатта бунга ҳам Оллоҳнинг мўъжизаси деб қараш керак. Шу йилда дунёнинг бирор жойи қолмадики, бир офат, фалокат юз бермаган бўлсин. Бўронлар, ёзда қор ёғишлар, ёмғирлар, тошқинлар, ёнғинлар, зилзилалар каби ҳолатлар ҳамма минтақаларда— Европада, Жанубий, Шимолий Америкада, Россияда рўй берди. Лекин бизнинг юртимизни Оллоҳга шукр, мана шу фалокатлар четлаб ўтди. Бу ерда ҳам қандайдир бир соҳиби қудратнинг инояти, шафқатию меҳри бор бўлса ажаб эмас.

Яна муҳим бир ҳодисани жудаям таъкидлагим келади. Биз дунёга чиқяпмиз, жаҳон бизни танияпти. Дунёга чиққанда ҳам шунчаки бир номимиз билан чиқаётганимиз йўқ. Ўтмишдаги буюк маданиятимиз, жаҳон цивилизациясига қўшаётган ҳиссамиз аниқ бўлиб, янаям унинг белгилари кўринмоқда. Бевосита ўзимиз бугунги қилаётган ишларимиз билан дунёда обрў қозоняпмиз ва бу ишларда мен ўйлайманки, биринчи навбатда Президентимизнинг роли, хизмати, ташаббуслари, ғурури, ақл-заковати, иродаси жуда ҳам катта роль ўйнайди. Яқинда дунё бўйича Америка мутахассислари савол-жавоб ўтказишди. 2002 йилда дунёдаги энг нуфузли, энг мўътабар сиёсат арбоби, давлат арбоби ким? — деган битта савол билан сўров уюштиришганда Президентимиз 95 фоиз овоз олиб биринчи ўринни эгаллади. Ўша овоз олганлар ичида Ж.Буш бешинчи, Путин иккинчи ўринни олган. Бу қувонтирмайдими одамни. Дарҳақиқат, Юртбошимиз шунчаки давлат раҳбари эмас, балки юртимизнинг, ўзбек халқининг тимсоли сифатида жаҳонга танилди. Ўтган йилимиз жудаям хосиятли бўлди дейишимнинг яна бир боиси ана шунда. Эҳтимол қийинчиликлардан ҳали бутунлай қутулганимизча йўқдир, эҳтимол хўжалик соҳасида унда-бунда баъзи бир хатоликларга йўл қўйгандирмиз, баъзи бир камчиликлар содир бўлгандир. Эҳтимол яхши ниятлар билан қилинган баъзи тадбирлар кутилган самарани бермагандир. Лекин нима бўлгандаям шуниси аниқки биз олдинга силжиб боряпмиз. Секин-аста, шошмасдан бўлса ҳам илгарилаяпмиз. Ва ажаб эмаски, ўша ёруғ кунлар тезда келса.

**— Ўтиб бораётган Қарияларни қадрлаш йили ва кириб келаётган Янги йилнинг «Обод Маҳалла» йили деб номланганлиги юзасидан ҳам ўз фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Албатта йил бошида қабул қилинган дастур асосида қарияларни эъзозлаш юзасидан катта ишлар қилинди. Кексаларга шароит яратиб, ғамхўрлик қилиб, ҳолларидан хабар олиш, пенсия ва маошларини вақтида бериш ва ҳоказо, уларни санасак жуда кўп. Шу билан бирга баъзи ташкилот ҳамда идоралар ҳам шунга яраша қарияларни эъзозлаш даражасига етиб боргани йўқ. Турли-туман баҳоналар билан қарияларни сарсон қилиш ҳоллари ҳам бўлди. Мен истардимки Қарияларни қадрлаш йили тугагани билан кексаларга нисбатан ғамхўрлик доимо давом этса. Зеро, қарияларга ғамхўрлик қилиш ҳар жиҳатдан жуда савоб иш.

Кириб келаётган янги йилимиз Президентимизнинг ташаббуслари билан «Обод маҳалла» йили деб жуда тўғри номланди. Юртбошимизнинг бир яхши гаплари бор. «Биз ўзимизга мос ва ўзимизга хос йўлдан борамиз» дейдилар. Бу ибора менга жуда ёқади. Ҳақиқатан ҳам мос ва хос. Бу нима дегани, масалан маҳалла тузилмаси дунёнинг бирор жойида йўқ. Яъни, маҳалла, маҳалла-кўйчилик йўқ. Маҳалла дегани фақат юз, икки юз хонадоннинг бир жойда уюшиб яшаши эмас. Маҳалла-кўйчиликнинг муҳим ахлоқий томонлари, ўзига хос тартиб-удумлари бор. Масалан биз ҳам маҳаллада катта бўлганмиз. Чойхонанинг олдидан ўтаётганда ўзимизни сал тик тутиб, кексалар ўтирган бўлса қўлимизни кўксимизга қўйиб, салом берардик. Маҳалланинг энг муҳим томонларидан яна биттаси бир-бирига кўмаклашиш, ёрдам бериш. Масалан тўйми, маъраками бўлаётган хонадонга бир-икки кун олдин чиқилади. Хизмат борми, деб сўралади. Масалан, сабзи тўғрар деган нарсалар бор ёки бўлмаса бир хонадон бошига оғир кулфат тушиб қолди, дарҳол маҳалла ёрдамга чиқиб, ҳамдард бўлади. Маҳалланг — ота-онанг, деб бежиз айтилмайди. Президентимизнинг донолигини қарангки, демократияни маҳалладан бошлаяпти. Маҳаллага катта ҳуқуқ беряпти. Жуда кўп масалаларни маҳалла ҳал қиляпти. Масалан баъзи кўп қаватли уйларда тўртинчи қаватда яшаётган одамлар учинчи қаватда яшаётган қўшнисини танимайди. Одам — одам билан тирик ахир. Ўша қўни-қўшнилар, ёр-биродарлар билан аҳил бўлмаса киши зерикиб кетади, бу дунёда.

Маҳаллада ўзбек халқининг кейинги пайтлардаги энг яхши фазилати, бу — ҳашар. Ҳашар йўли билан маҳаллада тўйхона, чойхона, новвойхона, устахона, сартарошхона, болалар майдончалари ва ҳоказолар барпо қилинаяпти. Мана шундай ҳашар йўли билан маҳалласини обод қилаётганлар кўп. Масалан мен яқинда бир гапни эшитиб қолдим. Ҳозир мен истиқомат қилаётган Қибрай туманида кейинги икки йил ичида ҳашар йўли билан 13 та қишлоқ мактаби қурилибди. Бу жуда катта гап. Бу жуда улуғ, савоб иш. Энди йилимиз Обод маҳалла йили деб номланган экан аминманки йил охирида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинганда жуда кўп хайрли, самарали юмушлар қилинган бўлиб чиқади.

**— Янги йил бўсағасида тилакларингиз...**

— Мен Янги йилдан янги муваффақиятлар кутаман. Халқимизнинг дастурхони янаям тўкин бўлишини истайман. Халқимизнинг меҳнат қилиб топгани ўзига кўпроқ юқишини тилайман. Меҳнаткаш халқимизнинг хирмони иложи борича ўша хирмонни етиштирган одамнинг ўзига насиб қилишини истайман. Юртимиз нурли йўлдан одимлаяпти. Янги йил ҳаммамизга бахт-саодат келтирсин. Халқимиз янада фаровон, бахтиёр яшасин. Барча юртдошларимиз соғ-омон бўлишсин.

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.**

# Янги йил!

# омад ёр бўлсин

**Жак Андре КОСТИЙ,**
**Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Якунланаётган йилда энг катта мақсадлардан бири сиёсий даражада икки томонлама муносабатларимизни янада ривожлантириш эди. Шу йилнинг баҳорида Франция янги ҳукуматининг фаолият бошлаши билан ушбу мақсадларга эришилди. Яъни, Франциянинг Ташқи ишлар бўйича Давлат котиби жаноб Рено Мюзелье ташрифи, Прагадаги НАТО саммитида Президент Ширак ва Президент Каримовнинг илиқ ва мазмунли учрашуви шулар жумласидандир. Шунга ишонаманки, энг юқори даражадаги алоқалар 2003 йилда ҳам давом этади. Мени хурсанд қиладиган бир томони — икки томонлама муносабатларнинг бошқа йўналиши — маданий ва илмий ҳамкорлик ҳам жуда яхши ривожланмоқда. Виктор Гюго номидаги Француз маданият марказининг очилишидан ҳам бошим осмонга етди. Ушбу марказ француз маданиятининг пойтахтимиздаги чиройли кўзгусини ўзида ифода этади.

Янги йилда бутун Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва осойишталик тилайман.

**Ким Сонг ХВАН,**
**Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Авваламбор янги 2003 йил кириб келиши муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон Республикасининг бутун аҳолисини чин юракдан табриклайман.

Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигига энг биринчи бўлиб тан олган давлатлардан ҳисобланади. Ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кундан бошлаб икки тарафлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик иқтисодиёт, сиёсат ва маданият каби кўпгина соҳаларда ривожланмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар миқдори бўйича етакчилардан ҳисобланади. Ва мен ҳар иккала мамлакат манфаатига хизмат қилувчи ўзаро муносабатларимизнинг янада чуқурлашиб бораётганини таъкидлашдан бахтиёрман.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида менинг устувор вазифам барча соҳаларда дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш эканлигини яна бир бор қайд этиб ўтмоқчиман.

Ўзим ва Корея Республикаси элчихонасининг бутун жамоаси номидан Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги 2003 йил билан яна бир бор қутлайман ва барчага тинчлик, саломатлик, фаровонлик ва бахт ёр бўлишига тилакдошман.

**Ателла УЧЕКИЗ,**
**«OSIYO BATAREYA» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг Ўзбекистондаги вакили, «LACCO» фирмасининг дилери.**

— Мамлакатингизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ҳаракатларни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса, хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция шароитлари яратилганлиги эътиборга лойиқ. Бугун Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб, у жаҳон миқёсида тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш борасида бир қатор хайрли ишларга бош бўлиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил айёми билан корхонамиз жамоаси номидан қизғин қутлайман.

**Ҳар бир байрамнинг ўзига яраша қувончу ширин ташвишлари бўлади. Айниқса Янги йил оқшомида кимдир дўстлар даврасига ошиқса, кимдир оила даврасида, «ойнаи жаҳон» орқали бериладиган байрам томошаларини маза қилиб кўриш иштиёқида бўлади. Орзиқиб кутаётган Янги йил байрамида ҳамшаҳарларимиз қандай байрам дастурларидан баҳраманд бўладилар? Биз мана шундай савол билан Ўзбекистон телеканалининг «Маънавият» студияси бош муҳаррири ўринбосари Нодиржон Жонузоқовга мурожаат қилдик.**

# «Ойнаи жаҳон»да байрам дастури

— Ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари учун ҳар бир байрамда, айниқса Янги йил байрамида узлуксиз телемарафонлар ўтказиш, бир-биридан қизиқарли ва ранг-баранг кўрсатувлар тайёрлаб каттага ҳам, кичикка ҳам манзур бўлишига эришиш жамоамизнинг асосий мақсадига айланган. Бу гал ҳам анъанага мувофиқ 31 декабрда бошланадиган кўрсатувимиз 1 январь тонгга қадар давом этади.

- «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!» деган калом билан бошланадиган кўрсатувларимизда давримизнинг энг таниқли инсонларининг дил сўзлари, Янги йил тилакларини жо қилган табриклар бир-бирини узвий боғлаган ҳолда байрам роликлари билан мавзулар уйғунлашиб, томошабин кўнглини хушнуд этади.
- «Янги йил меҳмонхонаси»да болаларнинг севимли адиби, Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин билан учрашув, Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов, «Кино оламида» саҳифасида эса кинорежиссёр Нуриддин Қосимов, ёзувчи Эркин Аъзам, саломатлик саҳифасида эса Дилмурод Эргашевлар билан, яъни ҳар бир соҳанинг ўз мутахассислари билан бўладиган учрашувлар менимча барчага маъқул бўлади.
- Азиз болажонларимиз учун яна «Шука ва Бека» номли янги мультсериалнинг премьераси тақдим этилади.
- «Уйда ёлғиз-1» янги бадиий фильмининг эфирга чиқиши барчага бирдек маъқул бўлади.
- «Қувноқ трамвай» деб номланган ҳажвий кўрсатувимизда қувноқ латифалар, қизиқчилар билан учрашувлар кулгисевар томошабинлар учун тақдим этилади.
- «Алпомиш авлодлари» номли спорт кўрсатувида давримизнинг таниқли спортчилари иштирок этадилар.
- «Рангин дунё» кўрсатувида эса томошабинлар қарийб 20 йилдан буён «Қорбобо» бўлиб барчага севинч ва хурсандчилик улашиб келаётган актёр билан танишиш бахтига муяссар бўладилар.
- «Шунчаки ҳазил» кўрсатувида эса эл севган қизиқчилар: Валижон Шамшиев, Шукрулло Исроилов, Гавҳар Зокирова, Шоҳида Узоқова («Эсмеральда»)лар ижросида шундай кўрсатув эфир юзини кўрадики, барча чеҳраларга табассум ёйилиши табиий.
- «Байрам кинотеатри»да эса таниқли актёрлар ҳамда кинода ҳам, театрда ҳам роль ижро этиш баробарида яхши қўшиқ ижросини ҳам маромига етказган эл севган санъаткорлар билан учрашасиз.
- «Муборак йил» кўрсатувида Қарияларни қадрлаш йилида қилинган эзгу ва савобли юмушлар ва остонамизда эшик қоқаётган Обод маҳалла йилида мўлжалланган юмушлар ҳақида «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари мутасаддиларининг дил сўзларини, ёши улуғ инсонларнинг эзгу тилакларини тинглайсиз.
- «Телевизион миниатюралар театри»нинг янги, «теша тегмаган» интермедия ва латифалари хонадонингизнинг севимли меҳмонига айланиши шубҳасиз.
- «Янги йил базми» эса ҳамма-ҳаммага хуш кайфият улашиб, барча томошабинлар қалбини бир олам шодликка тўлдиради.
- Қатор ва ранг-баранг, гўзал, бетакрор кўрсатувларимиз орасида янграйдиган дилбар қўшиқлар, шўх рақслар, қувноқ лапарлар билан Янги йил байрамининг кўнгилли ўтиши учун Сизнинг хизматингизда бўламиз.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

**Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди.**

## МУШОИРА

# ХОСИЯТЛИ БЎЛСИН!

**Оҳиста-оҳиста қадамлар ташлаб**
**Янги йил кирмоқда салобат билан.**
**Кимлардир кутмоқда уни кўз ёшлаб,**
**Кимлардир қутлайди уни чин дилдан!**

**Бир йил ортда қолди: тез ўтар умр —**
**Во ажаб! Тулпорми ё қуш уйқуси?**
**Кимдир топа олди ҳаловат -ҳузур,**
**Кимларнинг қалбида ўкинч туйғуси.**

**Ҳаёт деб аталмиш энг улуғ неъмат**
**Курашга чорлайди борлиқ — оламни.**
**Ким тинчлик қадрини билибди зийнат —**
**Оллоҳ ҳам эъзозлар бундай Одамни!**

**Иймон каломининг ҳикмат -маъноси —**
**Тинчлик — бу юксалиш, ҳаёт зиёси,**
**Падари бузруквор сўзин аълоси —**
**Барқарор тус олсин Тинчлик дунёси!**

**Янги йил кирмоқда оппоқ қор билан —**
**Бокира покликка шул эрур асос.**
**Хосиятли бўлсин Янги йил бирам:**
**Файзу баракала топсин ул эъзоз!**

**Абдуманноб ТОЖИЕВ**



**Тошкент оқшоми.**
**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

## СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ



**Валижон Шамшиев нафақат ёшларнинг, балки катталарнинг ҳам жони-дили. Чунки у саҳнага (айниқса мўйсафид чол ролида) чиққанида мухлислари кулавериб, кулавериб... Майли у ёғини айтмай қўя қолайлик. Жиккаккина, ёш кўрингани билан Валижон аллақачон уйланиб иккита фарзандли бўлишга ҳам улгурганига нима дейсиз? «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» дейдиганлар тоифасидан бўлган қаҳрамонимизнинг қизиқчилик қилишдан ташқари бошқа «ҳунарлари»га ҳам устаси фаранг эканлигини шу йили билдик. Ўта хушмуомала бўлган Валижоннинг алоҳида ёқтиргани палов, чучвара, шўрва қўйингки барча хушхўр таомлар, агар текин бўлса. Бўш вақтларида китоб ўқишдан ҳам кўра одамлар билан чақчақлашишни, бир сўз билан айтганда улфатчилик қилишни ёқтиради. Севган машғулоти оилани боқиш. Валижон ҳаётда ёлғон, йўғ-е, рост сўзлайди. Саҳнада эса кўпинча акси ҳам бўлиши мумкин. Чекмайди. Ичади, чой эмас, қаҳва.**

# КИЧКИНА ДЕМАНГ, БИЗНИ...

**— Валижон кўнглингизга келмасину, қувноқлигингиз фақат саҳнадами ёки...**

— Очиғини айтганда ҳаётимни саҳнага боғлаган дақиқаларда қувноқ бўламан. Ташвишни кўтариб юришга тобим йўқ. Доктор, «оғир кўтарма ука» деб айтган. Ташвишни кўтариб юрганларни ёғоч отга солиб кўтаришга тўғри келади-да. Шу боис доимо мухлисларимга

**Баъзан кўпу, баъзида кам**
**бу дунё,**
**Тириклик завқ, қолгани**
**ғам, бу дунё**

дегим келади. Чунки тирикликнинг ўзи бир бахт. Марҳумни қабристонга элтаётганларида бир йигит шеригидан сўрабди.

— Тақсир, тобутни олд томондан кўтарган савобми ёки орқа томондан?

— Қайси томонидан кўтарсанг, кўтаравер, ичида бўлмасанг бўлди.

**— Турмушда нималар бўлмайди дейсиз? Келин билан аразлашиб қолсангиз, уни кулдириш учун актёрлик маҳоратингизни ишга соласизми?**

— Йўқ. Актёрлик маҳоратимни бўлар-бўлмасга исроф қилавермайман. Жиддий айтадиган бўлсам, Дилфузахон санъаткорнинг рафиқаси бўлгани учунми, мени тўғри тушунади. Шу кунгача аразлаганини кўрмадим. Илоҳим охиригача кўрмай.

**— Санъат шинавандалари орасида миш-миш тарқалганди. «Валижон энди саҳнага Юлдуз Усмоновага тақлид қилиб чиқмасмиш. Чунки Юлдузхоннинг мухлисларидан роса дакки эшитганмиш».**

— Шуни айтиб қўяй. Ҳар бир одамнинг Аллоҳ берган 32 та тиши, битта оғзи бор. Бунинг устига оғиз ҳам ўзиники. Шу боис миш-миш тарқалган бўлса, 1996 йилда «Мирзо» театри томонидан саҳналаштирилган бу томоша нимаси биландир беэътибор қолмабди, мухлисларга ёқибди. Фақат оғзим, тишим бор экан, деб баъзида қуюшқондан чиқаверилса 32 та тишнинг ҳаммасидан айрилиб қолиш ҳеч гап эмас. Энди бевосита шу томошанинг тайёрланиш жараёни ҳақида икки оғиз. Бу ҳақда Юлдуз опадан руҳсат сўралган. Ҳатто саҳнада киядиган либосларни ҳам ўзлари танлаб берганлар.

**— Валижон, кейинги вақтда сизни аскиячилар даврасида ҳам кўряпмиз. Абулқосим қизиққа шогирд тушмоқчимисиз?**

— Ушбу саволни шу кунгача ҳеч ким бермаганди. Камина Андижон вилоятининг Марҳамат тумани «Қора боғич» қишлоғи ҳудудида «Чўнтак» маҳалласида таваллуд топганман.

**— Йўғ-е, ҳазиллашмаяпсизми?**

— Ишонмайсиз-а ака. Қайнотам Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловдан сўранг бўлмаса. Чунки у киши Андижон вилоятининг «Кўрпа» маҳалласида дунёга келганлар. Хуллас «чўнтакдан чиқиб» кўрпага кирганмиз». Водийлик бўлганим туфайлими, ёшлигим аскиячилар даврасида ўтган. 8-9 синфларда ўқиб юрган кезларимизда аскиячилар танловларида қатнашганмиз, кичик бўлишимизга қарамай аскиячилар гуруҳининг сардори ҳам бўлганмиз.

**— Дарвоқе, «Келдиму кетдим» дея номланган студияда Валижон Шамшиев сценарийси асосида янги фильм суратга олинаётганмиш.**

— Оббо, сиз мухбирлар-ей. Шуни ҳам билиб олибсизларда. Ҳақиқатан ҳам Шайхонтоҳур тумани ҳудудида «Келдим-у кетдим» деб номланган студия ташкил этилиб, дастлабки фильм суратга олинди. Худо хоҳласа Янги йилда киномухлислар «Зарба» фильмининг премьерасини томоша қилишади. Ушбу илк фильмимиз каратэ ҳақида бўлиб, Эргаш Мўминов режиссёрлигида суратга олинди. Тасвирчи Авазбек Ҳакимов, сценарийни эса камина қўлдан келганча ёзишга ҳаракат қилдим. Асосий ролларни эл севган санъаткорлар Эркин Комилов, Дилбар Икромова, Иноғом Одилов, (Аллоҳ раҳмат қилсин) каратэ бўйича жаҳон чемпиони Хўжамқул Хўжақуловлар маромига етказиб ижро этишган деб ўйлайман.

**— Оқшомхонларга Янги йил тилакларингиз?**

— Юртдошларимга нияти тозаликни, кўнгли покликни тилайман. Қарға ҳам мудом поклик белгиси бўлмиш қорни, қишни яхши кўргани боис 300 йил умр кўраркан. Шукурки, юртимизнинг ҳавоси тоза, инсонларининг дили пок. Илоҳим уларни мана шу насибадан қирқмасин.

**Биз юрган кўчалардан сиз**
**ҳам юринг биродар.**
**Эр бўлсангиз лафзингизда**
**содиқ туринг биродар.**
**Кўчанинг кенг, тори бор,**
**Кўнглимнинг бир зори бор.**
**Мард бўлиб оқибатдан,**
**Қўрғон қуринг биродар.**

Юртимизнинг оқибатдан қураётган қўрғонлари ҳеч қачон бузилмасин.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзкўргазмасавдо»
таклиф қилади

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, шаҳримиз меҳмонлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, ота-оналар!

*Азиз болажонларимизни 2003 йил 1-10 январь кунлари «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган арча байрамига таклиф этамиз.*

Арча атрофида болажонларимизни қизиқарли, ажойиб ва ғаройиб мўъжизалар, Қорбобо ва Қорқизнинг «сеҳрли» совғалари кутмоқда.

*Энг асосийси — ҳар бир совға ичида ютуқли лотерея бўлиб, улар 10 январь куни ўйналади. Лотерея ғолиблари аудиоплейерлар, видеоплейерлар, фотоаппаратлар ҳамда бош соврин — компьютерга эга бўлишлари мумкин.*

Чипталар бўйича «Ўзкўргазмасавдо» кассаларга, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Байрамлар ўтказиш дирекциясига ҳамда туман ҳокимликларига мурожаат этишингиз мумкин.

139-14-54,
139-89-66.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

# ГЎЗАЛЛИК БАҒИШЛАЙДИ

**Албатта, Янги йилни барчамиз орзиқиб кутамиз. Шу боис ҳам унинг баракали ва тўкин келишини ният қилиб дастурхон безаймиз. Ана шу дастурхонимизнинг файзли бўлиши учун топган-тутганимизни тўкамиз, дўкон ва бозорлардан энг сара маҳсулотларни харид қиламиз. Хўш, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга интилаётган корхоналар аҳли ҳамшаҳарларимизни нималар билан хушнуд этишади?**

◆ Шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган «Зебуннисо-она» хусусий корхонаси қандолатчилари Янги йилни янги ва сара ширинликлар тайёрлаб кутиб олишмоқда. Айниқса, «Баҳор», «Камалак», «Дилором», «Рачок», «Байрам» сингари карамеллар, «Париж», «Снежок», «Симба», «Синда» сингари вафлили шоколадлар байрам дастурхонингизни безаши, шубҳасиз. Айни кунларда корхона ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракати билан 31 турдаги ана шундай ширинликлар бугунги харидор талаблари асосида қадоқланиб савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

◆ «Туфин» қўшма корхонасида эса бу йил ҳар йилгидан ҳам ўзгача тайёргарлик олиб борилди. Корхонада, айниқса болажонларимиз учун ажойиб совғалар дастаси ҳозирланиши билан бирга, катталаримизнинг ҳам кўнглини топиш учун янги турдаги шоколадлар чиройли қутиларда чиқарилди. Айниқса, кичкинтойлар учун ичида эртак қаҳрамонлари ва турли ўйинчоқлар жойланган «Тухум-туфин», «Арчадаги шарчалар», шунингдек оғзингизда таъми қолувчи «Зодиак», «Трио», «Жонгинам» сингари шоколадлар, зефир ҳамда мармеладлар ҳамшаҳарларимизга маъқул келиши, шубҳасиз.

◆ Қишнинг совуқ кунларида қайноқ дамланган хуштаъм кўк ва қора чойлар танангизни яйратиб, ҳузур бағишлашига шубҳа йўқ. Албатта, ана шундай хушбўй чойлар Янги йил дастурхонида ҳам дамланади. Ана шуни эътиборга олган шаҳримиздаги «TASHKENT» TEA FAKTORY» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси тадбиркорлари ҳамшаҳарларимиз дастурхонига «Акбар» чойини қадоқлаб тортиқ этмоқда. Ўзига хос ҳиди бўлган ушбу олий навли цейлон чойи ҳамда бежирим ва чиройли қадоқланган «Тошкент» чойининг бешта тури кайфиятингизни кўтариши табиий. Уларни шаҳримиздаги савдо шохобчаларидан харид қилишингиз мумкин.

◆ «Ош таъми туз билан» дейди доно халқимиз. Нафақат паловга, барча таомларимизга хуштаъм бағишловчи туз кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Пойтахтимиздаги «Орзу ош тузи» шўъба корхонасида ишлаб чиқарилаётган олий ҳамда биринчи навли йодланган тузлар харидорлар талабига жавоб бермокда. Янги йил байрами арафасида эса жамоа аҳли «Шифобахш» деб номланган, таркибида петрушка, укроп, сельдер, зира, кориандр, йод дориворлари жамланган туз тайёрлай бошлади. Кўплаб касалликларга даво бўлувчи ушбу маҳсулот 500 граммлик идишларда қадоқланмоқда.

◆ «Осиё Фуд» ҳиссадорлик жамиятида ҳам маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, хорижий ускуналар асосида макарон, печенье, вафли ва шоколадлар ишлаб чиқарилмоқда. Байрам шодиёнаси кунларида эса ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари бундай маҳсулотларни дўконлардан харид қилишлари мумкин. Улар орасида «Восток», «Оқ олтин», «Садко» «Гулливер» ва бошқа вафлили шоколадлар бор. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам, таъми ҳам байрамга мосдир.

◆ «Анат» Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонасида байрамга атаб тайёрланаётган салқин ичимликлар мазали таомлардан сўнг чанқоғингизни босиб, танангизни яйратади. Жамоа тадбиркорлари табиий меваларнинг таъмини берувчи 10 дан ортиқ турдаги чанқовбосди ичимликларни ярим ҳамда бир ярим литрлик чиройли идишларда чиқаришмоқда.




Изоҳи сиздан...

Абдурасул Ҳакимов чизган суратлар.

# Янги йил бошқотирмаси

**Жавоблар «занжир» ва кесишган ҳолда ёзилади:** 1. Милодий йил ҳисоби бўйича, шарқона янги йил бошланадиган ой. 2. Безакли ширинлик. 3. Энг улкан арча безаладиган ватанимиз шаҳри. 4. Янги йил биринчи бўлиб кутиб олинадиган давлат маркази. 5. Бароқ думли жонивор. 6. Азиз неъмат. 7. Ўзбек театр саҳнасининг илк раққосаси. 8. Байрамларда юзга кийиладиган мослама. 9. Ўйинкулги кечаси. 10. Сақичсимон юмшоқ модда. 11. Ўн икки йилда такрорланадиган йил ҳисоби. 12. Хоразм рақс куйи. 13. Ҳамма учун белгилангандан юқори ҳақ-ҳуқуқ, енгиллик. 14. Катта, кенг хона. 15. Рақамли, соққалар билан ўйналадиган ўйин. 16. Кичкинтойларнинг ёзги ўйини. 17. Йил даракчиси. 18. Вақт ўлчови. 19. Воқеа-ҳодисалар даврий қайд этилган манба. 20. Қаттиқ, кучли совуқ. 21. Муваффақият, ютуқ. 22. Ўзбек халқ рақс куйи. 23. Байрам қутлови. 24. Тўрт йилда такрорланадиган йил. 25. Юз йиллик давр.



**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Қазилма ёқилғи — 8, 9, 15, 2, 6.
2. Йил ҳисоби тизими — 13, 6, 5.
3. Катта халқ байрам томошалари — 16, 5, 12, 2, 3.
4. Ўзбек халқ куйи — 10, 2, 6, 11.
5. Сайёра, ер — 4, 5, 15, 2, 7.
6. Ўзбек халқ мақоли — 1, 14, 4, 6, 4, 8.

Энди жавоблар асосида шакл атрофида яширинган эзгу сўзларимизни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 27 декабрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**
1. Абдуллаев. 2. Ватан. 3. Наргис. 4. Саржин. 5. Намоз. 6. Зулфия. 7. Ярмарка. 8. Амперметр. 9. Рокировка. 10. Арматура. 11. Аспирантура. 12. Арк. 13. Косеканс. 14. Саёҳат. 15. Туркистон. 16. Нуҳ. 17. Ҳумо. 18. Обжувоз. 19. Зирак. 20. Кўргазма. 21. Ақл. 22. Лазер. 23. Роҳат. 24. Тайм. 25. Метеоролог. 26. «Гирдоб». 27. Бекат.
**Муаммонома**
**Ҳикмат: Ҳиссиёт акси — кўзда.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР




# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов олиб борди.

Ушбу кенгашнинг асосий вазифаларидан бири Ватанимизда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат ва элат вакилларининг истиқболда озод ва обод юртнинг авлодларимизга мерос бўлиб қолиши ҳамда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиришга яқиндан ёрдам кўрсатишдир.

Тадбирда сўзга чиққан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари С.Олимов, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари К.Расулов, «Баткивьшина» украин миллий-маданий маркази раҳбари В.Такаева, Бошқирд миллий-маданий маркази раиси И.Ҳасановлар Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги ҳамда Конституциямизнинг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда, миллатлараро тотувлик, жамиятни демократлаштиришда миллий-маданий марказларнинг роли тўғрисида тўхталишиб, фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилишда мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг янги таркиби аъзолари сайланди.

Шунингдек, йиғилишда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик анъаналари бугунги кунда жаҳон миқёсидаги муаммога айланиб бораётган халқаро терроризм ва экстремистик-ақидапарастлик иллатларига қарши курашда ғоявий қурол эканлиги борасидаги фикрлар ҳам билдирилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

# АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

**Америка Қўшма Штатларининг улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техник интеллектуал салоҳиятга эга бўлган жаҳондаги етакчи давлат эканлиги барчага маълум.**

Юртбошимизнинг АҚШга ташрифи эса ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим замин бўлди. Ҳозирги кунда қайси соҳага эътибор қаратмайлик Ўзбекистон — Америка ўртасида муносабатлар яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кейинги пайтларда айниқса таълим соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Кўпчилик иқтидорли ёшларимиз «Умид» жамғармаси кўмагида АҚШнинг нуфузли олий таълим масканларида замонавий билимларга эга бўлиб қайтмоқдалар. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги гранти билан ҳам битта талаба АҚШнинг Сиэтл шаҳридаги олий ўқув юртида таҳсил олди.

Тошкент ва Сиэтл шаҳарларининг биродарлашуви, Вашингтон университетининг профессори Илза Сиртаутаснинг кенг кўламдаги фаолияти маданият соҳаларидаги алоқаларимиз ривожига муҳим туртки бўлмоқда. Америкада Ўзбекистон Маданияти кунлари дас-тури доирасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Жавоҳирлари: «Буюк ипак йўли» номли кўргазма эса катта муваффақият қозониб, АҚШ халқида Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисидаги тасаввурларнинг бойиши борасида муҳим ўрин тутди.

Иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам эътиборга лойиқдир. Ҳозирда юртимизда 50 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса охирги икки йил ичида Ўзбекистон ва Америка мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари сезиларли даражада кенгайди. Ҳар иккала давлат биргаликда Марказий Осиёда хавфсизлик муаммоларини ҳал этишга эътибор қаратмоқда ва бу йўлда муҳим қадамларни қўйди. Иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ривожида ҳам сезиларли силжишлар бўлди.

Энг муҳими шундаки, Ўзбекистон ва Америка ўртасида ўзаро муносабатларнинг самараси биринчи навбатда Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва халқлари манфаатларига хизмат қилади.

**Сурайё ТУРОБОВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети 2-курс магистранти.**

«Тошқишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Эркин Эргашевич Тошевга отаси

**ЭРГАШ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1108 Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 12.00 1 2 3 4 5 6